

Этноботаник тадқиқотларнинг атроф табиий муҳит муҳофазасидаги ўрни

Ҳожиматов Олимжон Комилжонович

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ботаника институти

Эшонқулов Алижон Ҳайдарович

Бухоро давлат тиббиёт институти “Тиббий кимё” кафедраси, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро

Аннотация. Мақолада атроф табиий муҳит муҳофазасининг долзарблигига эътибор қаратилиб, доривор усимликларнинг турлари таҳлил қилинган. Шунингдек инсонларда экологик маданиятни юксалтириши омилилари курсатиб берилган.

Калит сузлар: экология, этноботаник тадқиқотлар, усимликлар дунёси, доривор усимликлар.

Роль этноботанических исследований в охране окружающей среды

Хожиматов Олимжон Комилжонович

Институт ботаники Академии наук Республики Узбекистан

Эшонкулов Алижон Хайдарович кафедра Медицинской химии

Бухарский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, Бухара

Аннотация. В статье рассматривается актуальность охраны окружающей среды и анализируются виды лекарственных растений. Также показаны факторы, способствующие экологической культуре человека.

Ключевые слова: экология, этноботанические исследования, флора, лекарственные растения.

The role of ethnobotanical research in environmental protection

Khojimatov Olimjon Komiljonovich

Institute of Botany, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan,

Eshonqulov Alijon Haydarovich. Departmen of Medical Chemistry

Bukhara State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Bukhara

Annotation. The article considers the relevance of environmental protection and analyzes the types of medicinal plants. Also shown are factors contributing to the ecological culture of man.

Keywords: ecology, ethnobotanical studies, flora, medicinal plants.

Атроф-муҳит ва табиатга узоқ даврлар мобайнида инсониятнинг ўтказиб келган таъсири турли хил экологик муаммоларни юзага келтирди. Бу ҳозир дунё ҳамжамиятини ташвишга солмоқда.

Экологик хавфсизлик кишилик жамиятининг бугун ва эртаси учун долзарблиги, жуда зарурлиги боис энг муҳим муаммолар жумласига киради. Экологик муаммо ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқ.

Шунинг учун ҳам табиатни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни барқарор сақлаш ва бу борадаги инқирозларнинг олдини олиш улкан ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий муаммодир. Конституциямизнинг **50-моддасида** “Фуқаролар атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар” [1] деб кўрсатилиши нафақат ҳозирги инсонлар манфаатлари, балки келгуси

авлодни ўйлаб, ҳал этилиши заруратини кўндаланг кўйди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **55-моддасида**: “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасида” деб қайд этилган.

Бу муносабатлар республикамизнинг “Табиатни муҳофаза қилиш”, “Ер тўғрисида”, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”, “Сув ва сувдан фойдаланиш ҳақида”, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш”, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунлари билан, бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Республикамизда атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида мавжуд ҳамда қабул қилинаётган қонунлар ва қонуности меъёрий ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, аҳолининг экологик

маданиятини юксалтириш долзарб вазифалардан хисобланади.

Экология – яъни организм билан ташқи муҳит ўртасидаги муносабат ҳақидаги фаннинг юзга келишини ва “экология” (“oikos”- юнонча хонадон, яшаш жойи, “logos”- фан) иборасининг қўлланилиши XIX асрда яшаб ўтган немис табиатшунос олими Эрнст Геккель (1834-1919) номи билан боғлиқ ва унга “экология фанининг отаси” деб қаралади. Бироқ, қарийиб минг йил аввал буюк ватандошимиз, қомусий олим Абу Али ибн Синонинг ҳозирда экология деб юритилаётган атроф-муҳитнинг деярли барча омиллари, уларга инсоннинг, жонзотларнинг таъсири ва, ниҳоят, бу омилларнинг инсон ва жонзотларга акс таъсири тўғрисидаги машҳур ибораларини келтиришнинг ўзи кифоя. “Чанг бўлмаганда инсон 1000 йил яшаган бўлур эди”, “Ҳаво токи мувозанатланган ва тоза бўлса, унга (пневмага) бегона қўшимчалар қўшилмаса, у саломатлик гарови бўлади, акс ҳолда турли касалликларга сабаб бўлади” [4]. Яшаш жойи муҳити борасида эса, “Тиб қонунлари”да алоҳида таъкидлаб, шундай дейилган: “Турар жой танага турлича таъсир қилиши мумкин: баланд ёки паст жойлиги, тупроқ таркиби хусусияти, сувнинг сероблиги ёки камёблиги, дарахтларнинг мўллиги, қабристон ёки конларга яқинлиги ва бошқалар яшаш жойи танлаганда муҳим аҳамиятга эга”. Бу фикрлар муҳит тўғрисида бўлиб, тиббий экологияга тегишли эканлигини гувоҳи бўламиз. Шу боис, кейинчалик экология деб ном берилган мажмуани Ибн Сино номи билан боғлаш, ҳеч бўлмаганда “тиббийёт экологияси”нинг отаси деб аталиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Атроф муҳит муҳофазасида ўсимликлар дунёси асосий ўрин эгаллайди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистондаги бир ярим асрлик тарихга эга ботаник тадқиқотлар натижасида ўсимликларнинг ранг-баранг олами борасида улкан маълумотлар захираси тўпланган. Олти жилдик «Ўзбекистон флораси» (1941-1962) китобида 3663 номдаги ўсимлик (интродуцентлар билан бирга 3824) турлари келтирилган. Мутахассислардан иборат катта бир гуруҳнинг ўзаро ҳамкорликдаги тадқиқоти самараси улароқ 1963-1993- йилларда 10 томлик «Ўрта Осиё ўсимликлари таърифномаси» [3] китоби чоп этилди. Бу китоб ҳозирга қадар Ўзбекистондаги ўсимликлар ранг-баранглиги ҳақида асосий манбалардан бири хисобланади.

Маълумки, Ўзбекистонда доривор ўсимликларнинг 700 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, табиий шароитда ўсадиган ва маданийлаштирилган 120 га яқин ўсимлик турларидан илмий ва халқ табобатида фойдаланилади. Тиббийётда қўлланиладиган дори-дармонларнинг қарийиб 40-47 % ўсимлик хомашёларидан олинади. Доривор ўсимликларнинг қуритилган ўта, куртаги, илдизи, илдизпояси, туганаги, пиёзи, пўстлоғи, барги, гули, ғунчаси, меваси (уруғи), данаги, шарбати, қиёми, тошчойи, эфир мойи ва бошқалардан дори-дармон тарзида фойдаланилади.

“Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг [2] 26-моддасида ўсимлик дунёсини

муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишга оид асосий талаблар кўрсатилган бўлиб, булар:

- ўсимлик дунёсининг турлари хилма-хиллигини ва генетик фондини табиий шароитларда сақлаб қолиш;
- ўсимлик дунёси ўсадиган муҳитни сақлаб қолиш;
- ўсимлик дунёсидан оқилона фойдаланиш, уни тиклаш ва такрор кўпайтириш;
- ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг тарқалишини ва сонини тартибга солиш.

Республикамиз мустақилликка эришгач, муҳим хўжалик аҳамиятига эга ўсимликларни инвентаризациялаш борасида кенг кўламли ислоҳатлар олиб борилиб, бу борада, айниқса, мавжуд доривор ўсимликлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга, жумладан, доривор ўсимликлар етиштиришга ихтисослашган фарм-зоналар ташкил этиш, доривор ўсимликлар ассортиментини кенгайтириш ва хомашё базасини яратиш борасида муҳим натижаларга эришилди. Эркин иқтисодий фарм зоналарини ташкил этишда «саноат плантациялари ташкил қилиш учун доривор ўсимлик турлари рўйхатини ишлаб чиқиш» энг долзарб вазифалардан биридир. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, биофаол моддаларнинг янги манбалари сифатида Бухоро вилояти доривор ўсимликларини аниқлаш, рўйхатини тузиш, мавжуд ресурсларини баҳолаш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш долзарб вазифалардан биридир.

Доривор ўсимликларнинг организмга таъсири унинг таркибидаги кимёвий бирикмаларнинг миқдорига боғлиқ. Бу бирикмалар ўсимликнинг қисмларида турли миқдорда тўпланади. Доривор ўсимликларнинг таъсирчанлик қуввати ҳамда сифати юқори бўлиш даври уларнинг гуллаш ҳамда уруғлаш даврининг бошланиши вақтига тўғри келади. Доривор моддалар баъзи ўсимликларнинг куртаги, барги ёки поясида, баъзи ўсимликларнинг гули ёки мевасида, баъзиларида илдизи ёки пўстлоғида тўпланади. Шу боис ўсимликларнинг, асосан, биологик фаол моддалари кўп бўлган қисми йиғиб олинади.

Ўсимликларнинг илдизи, илдизпояси, пиёзи ва туганаги, одатда, ўсимлик уйқуга кирган даврда – кеч кунда ёки ўсимлик уйғонмасдан олдин – эрта баҳорда тайёрланади. Ўсимликнинг мева ва уруғлари пишиб етилганда йиғилади, чунки улар бу пайтда дори моддаларига бой бўлади. Янги йиғиб олинган дори-вор ўсимлик маҳсулоти таркибида (ер устки аъзоларида 85 % гала, илдизида 45 % гала) нам бўлади. Бу нам йўқотилмаса (қуритиш йўли билан), ўсимлик чириб, дори моддалари парчланиб, яроқсиз бўлиб қолади.

Этноботаник тадқиқотлар асосида Бухоро вилояти ҳудудининг доривор ўсимликлар таркибини аниқлаш, турларини ажратиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш аҳолини доривор ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга хизмат қилади. Шунга кўра, доривор ўсимликларни инвентаризациялаш, конспектини тузиш, истиқболли турлар захиралари ва йиғиш мумкин

бўлган майдонларини аниқлаш, доривор ўсимликларни касаллик гуруҳларига қараб таснифлаш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Инсонлар амалда атроф-муҳитга нисбатан ўз муносабатларини ўзгартиришлари қандай тадбирларни амалга ошириш керак? Бунинг учун:

- Кишилар онгида энг зарур экологик тушунчалар, яъни табиий атроф-муҳитлардаги барча мавжудотларнинг бир-бирига нисбатан бевосита боғлиқлиги, улар ўртасида табиатан уйғунлик ҳукм суриши хусусида муҳим тушунча ва ишонч ҳосил қилиш;

- Табиатга, атроф-муҳитга, улар таркибидаги барча мавжудотларга нисбатан ниҳоятда оқилона муносабатда бўлиш, тежамкорлик билан улардан фойдаланиш заруратини кишилар онгига сингдириш ва чуқур экологик тафаккур эта билишни шакллантириш;

- Атроф-муҳит ва бошқа ҳаётий омилларни келажак авлодларга етказишда экология нуқтаи

назаридан идрок этиш қобилиятини одамларда пайдо қилиш;

- Етарли даражада экологик онг ва тафаккур соҳиби бўлган ҳар бир киши табиатни севиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, барча табиий маҳсулот, қазилма бойлик ва бошқа омиллардан тежамкорлик билан фойдаланиш жараёнлари, ҳамда атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ амалий тадбирларда фаол қатнашиши муқаррар;

- бутун дунё барқарор ривожланиш концепциясидан келиб чиқан ҳолда, мамлакатимизда олиб борилаётган экологик таълим тизимини қайтадан таҳлил қилиш ва тегишли услубий қўлланмалар яратиш зарур.

“Дунёдаги буюк кучлар кўп, лекин табиатда инсондан кудратлироқ куч йўқдир”, - деб айтган эди Суқрот. Она заминимизни келажак авлодга тоза, мусаффо ҳолда қолдириш ҳар бир фуқаро учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., 2014
2. «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2016 йил 21 сентябрь ЎРҚ-409-сон)
3. Васильченко И. Т. Род Жерушник – *Rorippa Scop.* // Флора СССР. М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1939. Т. 8. С. 136-141).
4. Виноградова Р. М. Род Рыжик – *Camelina Crantz.* // Определитель растений Средней Азии. Т. 4. Ташкент: ФАН, 1974. С. 214-215).
5. Закиров К. З. Флора и растительность бассейна реки Зерафшан. Т. 2. Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1961. 654 с.).
6. Отчет о научно-исследовательской работе по проекту РФОП №2 от 23.07.2016, «Проведение учета естественных зарослей (лекарственных растений) для определения квоты по изъятию из природной среды», Хожиматов О.К. и др., Ташкент 2016, с.67.
7. Рекомендации по расширению системы охраняемых природных территорий в Узбекистане / Отв. ред. Исмаилов А.Т. Составители Бешко Н.Ю., Загребин С.В., Митропольская Ю.О., Попов В.А., Хасанов Ф.У., Магдиев Х. Программа развития ООН в Узбекистане, Министерство сельского и водного хозяйства, Главное управление лесного хозяйства, ГЭФ. – Ташкент: Baktriapress, 2013. – 256 с.
8. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Ўзбекистонда қанча ва қандай ўсимликлар ўсишини билиш нима учун зарур? (<http://www.undp.uz>)
9. Тожибаев К.Ш., Хасанов Ф.О., Бешко Н.Ю., Герман Д.А., Лазьков Г.А, Сенников А.Н., Шомуродов Х.Ф., Каримов Ф.И., Кодиров У.Х., Флора Узбекистана 1 том // Тошкент: Навруз, 2016. 173 с.
10. Мавлянов Ш. Р., Хакимов З. З., Хожиматов О. К. Желчегонное средство. Патент на изобретение №IAP 05334, от 11.01.2017 г.